

Уч киши Аллоҳ таоло кафиллигидадир

10:42 / 07.07.2019 3785

Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Уч киши Аллоҳ таоло кафиллигидадир Аллоҳнинг йўлида ғазотга чиққан кишини ё шаҳид қилиб жаннатга киритади ё ажр-савоб ва ўлжа-мукофотлар билан аҳлига қайтаради. Масжидга борган кишини ё вафот қилдириб жаннатга киритади ё ажр-савоб ва мукофотлар билан (аҳлига) қайтаради, уйига салом бериб кирган киши», дедилар.

Ҳасан иснод билан Абу Довуд ва бошқалар ривояти

Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан